

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

БЕБАҲО ХАЗИНА

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

БЕБАҲО ХАЗИНА

Методик-библиографик қўлланма

Тошкент – 2007

78.342

Б 44

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи

Н.Алаутдинова

Муҳаррир

Ҳ.Маматраимова

Масъул муҳаррир

О.Қиличбоев

Матн терувчи

З.Жалилова

Бебаҳо хазина: Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Н.Алаутдинова; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.- 40 б

КБК78.342+76.10

Ушбу методик-библиографик қўлланма 23 апрель Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунига бағишланган бўлиб, қўлланмада китобнинг тарихи, ўқиш маданияти, доноларнинг китоб ҳақидаги фикрлари, ҳамда ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ва адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланмадан кутубхоначи ходимлар, китоб тарғиботи билан шуғулланувчилар ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 й.

СЎЗ БОШИ

Китобга тафаккурнинг толмас қаноти деб таъриф беришганда, унинг маънавий олами бойитиш, юксак ижодий ва яратувчанлик орзулари ичида ҳаракат қилиб яшаш назарда тутилган бўлса керак. Буюк боболаримиз бола тарбиясида китобнинг ўрни катталигини, китобни ниҳоятда қадрлаш, бебаҳо адабий меросдан самарали фойдаланиш кераклигини таъкидлаб ўтганлар. Улар қаҳратон қиш кунларида ҳам, ойдин ва қоронғу кечаларда ҳам бир жойга тўпланиб китобхонликлар, ғазалхонликлар ўтказишган, ҳозирги тил билан айтганда, адабий кечалар қилишган.

Китоб нима? Бу савол кўпчилик учун риторик туюлиши мумкин. Биз ҳар куни, ҳар соатда китобга дуч келамиз ва шунинг учун китоб нималигини яхши биламиз. Бу савол бир қарашда шундай туюлади, аммо иборага эътибор берсак маъно кенглиги эътиборга лойиқдир. Масалан, Мен китобни столга қўйдим ёки ёзувчи янги китобни ёзиб битирди. Бу иборалардан китоб икки хил тасаввур этилади. Улардан биринчисида моддий маданият маҳсули ҳақида, босмахонада тайёрланган муайян шакли, ўлчамлари, ҳақида сўз юритилса, иккинчисида ижтимоий-сиёсий тафаккур, илм-фан, адабиёт, санъат ҳақидаги асарларнинг яратилишини назарда тутиш мумкин. Биринчисида китобнинг моддий моҳиятига эътибор берилса, иккинчисида унинг мазмуни таъкидланади.

Китоб пайдо бўлгандан бери инсонга ҳамроҳлик қилиб келади. Китоб ҳамма давр ва халқларнинг энг улкан кашфиёти бўлиб, аждодларнинг тажрибасини жамлаш ва жамғаришга кўмак беради. Қабилалар, одамлар, давлатлар йўқолиб кетаверган, аммо китоб қолаверган.

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг вазифаси китобхонларни китоб, китоб тарихи, китоб иши, китоб ўқиш маданияти ҳақидаги маълумотлар билан таништириш ҳамда уларнинг китоб билан ишлаш олиш малакаларини шакллантиришга ёрдам беришдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари конференция, давра суҳбати, учрашув кечаси, оғзаки журнал, китоб тақдимоти, викторина, китоб кўргазмасини ташкил этишлари мумкин.

Юқоридаги тадбирлар туркумини ташкил этиш учун китоб-шунослар, нашриёт ходимлари, китоб маркази ходимлари, журналистлар, ёзувчилар, шоирларни жалб этиш тавсия этилади.

Китоб – ақл чироғи

Китоб – инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, ақл қайроғи ва билим манбаидир. Китоб – фикрлаш қуроли, хазиналар қалити, тафаккур манбаи. Китоб – нондай азиз, мўътабар ва муқаддас.

Китоб инсоният онгли ҳаётининг, маънавият оламининг бош тимсолларидан саналиб келинади. Қадимий динлар моҳиятини белгиловчи барча обидалар негизида ҳам китоб тушунчаси мужассам. Масалан, “Библия” – китоблар, “Авесто” – “унаста” сўзидан олинган бўлиб китобий қоидалар, муқаддас “Қуръон” сўзи ҳам тўғри амаллар, тамойилларнинг илоҳий йўриқлари тарзида, у ёки бу даражада китобга нисбат бериб номланган. Китоб шу тариқа илоҳий моҳиятга дахлдорлиги билан ҳам муқаддасдир.

Инсониятнинг жуда кўп машҳур донишмандлари китоб шаънига миннатдорчилик ва таскин сўзлар айтиб қолдирганлар. “Китоб – мангуликка йўл олган донолар хотирасига қўйилган ёдгорлик” - деб айтган эди XVII аср инглиз шоири Уильям Девенант. 1740 йили Парижда чиққан “катта тарихий луғат” саҳифаларида берилган “китоб, бирор нима ёзилган ёки босилган муайян миқдордаги варақлар тўплами”дир дейилади.

Халқаро статистикада ЮНЕСКО тавсиясига кўра, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган, табоқлаб тикилган нодаврий нашрни шартли равишда Китоб дейиш қабул қилинган.

Китоб иши китобни яратиш, тайёрлаш, уни тарқатиш, сақлаш, тавсифлаш ва ўрганиш билан боғлиқ катта жараённи ўз

ичига олади. Фан, адабиёт, санъат асарларидан матбаада кўпайтириш ва тарқатиш учун танлаш, уларга илмий ва бадиий нуқтаи назардан ёндошиш, таҳрир қилиш, бадиий безак, матбаа ижросини белгилаш ва нашрга тайёрлаш ноширликнинг вазифаси. Китобни кўплаб чиқариш – китоб босиш иши полиграфия саноатида олиб борилади. Китобларни тўплаш, сақлаш, ўқувчилар ўртасида ташвиқот қилиш, улардан китобхонлар фойдаланишлари учун қулай шароит яратиш кутубхона ишига киради. Китоб ва бошқа босма асарлар ҳақида муайян мақсад билан ўқувчиларга маълумот-ахборот бериш ва уларни ташвиқот қилиш библиографиянинг вазифасидир.

Китобнинг пайдо бўлиш тарихи ёзувнинг яратилиши ва шаклланиш жараёни билан узвий боғлиқ. Ёзувнинг тузилиш хусусиятлари (белгилар тизими, уларнинг жойлашиш тартиби), ёзув материали ва қуролининг ўзига хос томони ва бошқалар маълум даражада китобнинг тузилишини ҳам белгилаб берди. Қадимги Миср, Рим, Юнонистон ва Ўрта Осиёда кишилар тош, пальма дарахти барглари, сопол ва бошқа материалларга ёзиб фикр изҳор этганлар. Ҳар бир китоб ўнлаб шундай материаллардан тайёрланган плиталардан иборат бўлиб, оғирлиги бир неча килограмм бўлган. Ёзув материали сифатида папирус ўсимлигининг ишлатилиши (мил.ав. 4-3 минг йилликларда) билан ўрама китоблар пайдо бўлди. Бундай китобларнинг узунлиги ўртача 10 метр атрофида бўлиб, ингичка, юмалоқ таёқларга ўралган ва махсус чарм ёки ёғоч ғилофларда сақланган. Шарқ мамлакатлари, Қадимги Рим ва Юнонистондаги кўпгина нодир асарлар папирусга битилган. Эрамиздан аввалги 2-асрда Пергам (ҳозирги Туркиянинг Бергам шаҳри)да ҳайвонлар терисидан ёзув учун янги маҳсулот – *пергам* (пергамент)ни ихтиро қилганлар. Дастлаб бундай китоб ўрама ҳолда сақланган. Айрим маълумотларга қараганда, Ўрта Осиёда, хусусан, Хоразмда милoddан аввалги 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган зардуштийлик динининг муқаддас китобларидан “Авесто”нинг қадимги нусхаси ҳам 12 минг мол терисига битилган. Арабларнинг Ўрта Осиёдаги истилосига қадар (8-10 асрлар) у ерда кўп

нодир китоблар сақланган кутубхоналар бўлган. Лекин уларнинг кўпи босқинчилик урушлари натижасида йўқотиб юборилган.

II-IV асрлардан бошлаб Қадимги Римда худди ҳозирги китобларнинг варақалари сингари буклаб, тикиб тайёрланган ва бир-бирига бириктирилган, муқовали китоблар – *кодекс* пайдо бўлди. Улар дастлаб папирус, сўнг пергаментга ёзилган. Бундай китоблар оғир ва бесўнақай эди. VI асрдан бошлаб кодекс шакли асосида ҳозирги кўринишдаги ноёб китоблар пайдо бўлди. Терига ишланган ноёб китоблардан бири – Мусҳафи Усмон Қуръонидир. Қуръони каримнинг бу нусхаси 644-656 йилларда халифа Усмон кўрсатмаси билан Муҳаммад (сав)нинг котиблари Зайд ибн Собит, Амир ибн ал-Оъс ва Ҳишом ибн Ҳакимлар томонидан қуфий хатида ёзилган. Мазкур қўлёзма китоб Амир Темур томонидан Самарқандга олиб келинган.

Қоғознинг кашф қилиниши китоб тарихида янги давр очди. Айрим маълумотларга қараганда, 650 йиллардаёқ Самарқандда қоғозли китоблар бўлган. XIII асрдан бошлаб Европада қоғоз асосий ёзув материали бўлиб қолди. Қоғоз китобнинг кўпайишига ва тарқалишига янги имконият очди. Китоб безашга алоҳида аҳамият берилди. Унинг саҳифаларига турли миниатюралар, ҳошияларига безаклар ишлана бошлади. Аста-секин хаттотлик (каллиграфия), муқовасозлик каби касблар ажралиб чиқди. Айниқса, Ўрта Осиёда ўрта асрларда хаттотлик санъати кенг ривожланди. Машҳур хаттотларнинг кўп авлодлари китоб тайёрлаш усулини такомиллаштириб бордилар.

X-XII асрларда Мовароуннаҳрда муайян соҳа сифатида шаклланган китобат санъати XIV-XV асрларда янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Ҳар бир китоб қоғозидан тортиб муқовасигача, сиёҳидан то бўёқлари-ю, зарҳалигача маълум меъёрдаги модда, режа ва қоида асосида тайёрланади, ҳатто китобдан хушбўй хид анкиб туриши учун баъзан сиёҳга гулоб ёки анбар кўшилари. Қўлёзмалар нафис хуснихат билан сувли бўёқлар ва ҳошияга нафис нақшлар ишлаб бадий безатиларди. XV- XVI асрларда бир қанча истеъдодли хаттот, мусаввир, лаввоҳ ва саҳҳофлар (Абдурахмон Хоразмий, Султонали Машҳадий, Мирали қилқалам ва бошқ.) етишди. Ҳирот хаттотларига

устозлик қилиб, китобат санъати равнақиға улкан ҳиссасини кўшган хушнавис хаттотлардан бири Султонали Машҳадий эди. У Низомий, Ҳофиз, Саъдий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро ва бошқаларнинг асарларини кўчириб шуҳрат қозонди. Султонали томонидан кўчирилган 50 дан зиёд китоб бизнинг давримизгача етиб келган. Темурий ҳукмдорлар девонхоналари қошида, хусусан, Самарқанд, Ҳиротда махсус сарой кутубхоналари ташкил этилган. Бундай кутубхоналар ўрта асрнинг ўзига хос ҳунармандчилик корхонаси бўлиб, уларда қўлёзма китобларни тўплаш ва сақлаш билан бирга китобсозлик билан боғлиқ бўлган бир қанча амалий ишлар бажарилди. Бундай сарой кутубхоналарининг бошлиқлари “кутубхона доруғаси” ёки “китобдор” деб аталган. Уларнинг қўл остидаги кўплаб хушнавис хаттот, наққош-мусаввирлар, лаввоҳ, саҳҳофлар китобни яратишга доир турли вазифаларни бажаришган. 1425-1429 йилларда Жаъфар Бойсунқурий томонидан Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома” асари кўчирилиб, 20 та турли мазмундаги рангдор миниатюралар билан безатилган. Ноёб санъат асари сифатида бу китоб Техрон музейида сақланади. Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий сарой кутубхонаси ҳам ўз даврида машҳур бўлган. Навоий бадиий қўлёзма санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Унинг бевосита кўмаги билан Беҳзод, Султонали Машҳадий, Шоҳ Музаффар каби ўнлаб китобсоз усталар етишиб чиқди. Бу усталарнинг услуб ва анъаналари кейинги йиллардаги каллиграфия санъатининг асосини ташкил этди. Туркистонда хаттотлик йўли билан китоб тайёрлаш узок вақт давом этди. Ҳатто китоб босиш кашф қилингандан кейин ҳам, дастлабки вақтларда китоблар қўлёзма йўли билан кўпайтирилди.

Китоб нусхаларини оммавий кўпайтириш йўлидаги изланишлар натижасида **ксилография** пайдо бўлди. XV асрнинг 40 йилларида Германияда Иоганн Гутенберг томонидан китоб босиш ихтиро қилиниши китоб тараққиётида янги даврни очди. Китоб босиш техникаси аста-секин такомиллашиб, бошқа мамлакатларда ҳам тарқала бошлади.

Туркистонда босма усул билан китоб чиқариш Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан кейин тарқалди. 1868 йили Тошкентда Туркистон ҳарбий округи штабининг босмахонаси ташкил этилди. Шу босмахонада нашр этилган рус олими ва сайёҳи Н.А.Северцовнинг “Чу ва Норин тизмалари этагидаги тоғли ўлка тўғрисида лавҳалар” (рус тилида) китоби Туркистондаги илк босма китобдир. Ўзбек тилидаги биринчи босма китоб Шоҳимардон Иброҳимовнинг 1871 йили Хивада босилган “Календар”идир.

Октябрь тўнтаришидан сўнг совет тузуми даврида китоб босиш иши бирмунча ривожланиб, оммавий китоблар яратиш ишига катта аҳамият берилди. Лекин китобга бошқа оммавий ахборот воситалари каби, КПСС ва Совет ҳукуматининг қудратли мафкуравий қуроли сифатида қаралди. Шу мақсадда жуда кўп номда ва нусхада марксизм-ленинизм асарлари, ижтимоий сиёсий, бадиий, илмий китоблар нашр этилди. Айни вақтда 20-30 йилларда Ўзбекистонда асарлар мобайнида сақланиб келинган қўлёзма китоблар, айниқса, диний, тарихий мазмундаги китоблар, кейинроқ қатағонга учраган ўзбек ёзувчиларининг асарлари йўқ қилина бошланди: ўтда қуйдирилди, сувга ташланди.

Истиқлолдан кейинги йилларда китоб маҳсулотлари мавзундарижасида кескин ўзгариш бўлди. Тарихий, диний, миллий кадриятларга тааллуқли китоблар нашрига алоҳида аҳамият берилди. Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги таржимаси икки бор нашр этилди. Имом Бухорийнинг 4 жилдли “Ҳадис”лари, Амир Темур мавзуи билан боғлиқ ўнлаб китоблар чиқарилди. Алишер Навоийнинг 20 жилдли мукаммал асарлари тўплами чоп этилди. Турли нашриётларда Форобий, Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, Улуғбек, Яссавий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Мунавварқори, Фитрат, Усмон Носир ва бошқаларнинг асарлари, “Ўзбекистон” нашриётида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 14 жилдли асарлари нашр қилинди (1997-2007). Мавжуд нашриётлар омманинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб бадиий, илмий-оммабоп, дарслик ва бошқа турли китоблар нашр этмоқдалар.

Китобларнинг бадиий ва матбаа ижроси ҳам жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада юксалиб бормоқда.

Китобларнинг тузилиши ва турлари. Ҳозирги китоблар ўқувчилар талаби ва эстетик дидига кўра муайян шаклга эга. Китоб саҳифаларга ажратилиб, ўртасидан тикилади ва муқоваланади. Муқованинг китоб саҳифалари билан бириктирилган қисми форзац дейилади. Айрим ҳолларда муқовани сақлаш ва безак сифатида муқовага жилд (суперобложка) кийгизилади. Китобнинг бош қисмида сарварақ (титул лист) бўлади. Унда муаллифнинг исм-шарифи, китобнинг номи, нашр этилаётган жойи, нашриёт номи, йили ва бошқалар ёзилади. Сарварақ қўш саҳифада бўлиши мумкин, бу ҳолда у китобнинг 2-(муқобил сарварақ) ва 3-бетларини эгаллайди. Сарварақ маълумотларининг айримлари китобнинг 1-саҳифаси – пешварақ (авантитул) да ҳам ёзилиши мумкин. Сарварақнинг орқа саҳифасига китоб белгиси қўйилади. Баъзи ҳолларда сарварақ ўрнида саррасм (фронтиспис) бўлади. Матннинг мазмунига қараб, китобга турли усулда сарлавҳалар қўйилади. Айрим ҳолларда йирик сарлавҳалар алоҳида саҳифада берилади. Бундай саҳифа зарварақ (шмуцтитул) дейилади. Китобнинг рукнсарлавҳа (колонтитул) ва рукнрақам (колонцифр)лари ундан фойдаланиш ишини осонлаштиради. Шунингдек, китобда мундарижа, муқаддима, хотима, аннотация, илова, изох, турли кўрсаткичлар, библиографик рўйхатлар ҳам бўлиши мумкин. Китоб саҳифасининг ҳажми унинг нашр бичими билан белгиланади.

Китоблар қандай ўқувчилар оммасига мўжалланганлиги, мақсади ва мавзуга қараб турларга ажратилади. Китобхонларига кўра китоблар оммабоп, мутахассислар учун ва болалар китоби бўлиши мумкин. Мақсадига кўра расмий, илмий, илмий-оммабоп, ўқув, адабий-бадиий, маълумотнома, реклама ва ҳоказо асарларга бўлинади. Илмий китоблар ичидан монография кенг тарқалган. Ўқув китоблари дарслик, ўқув қўлланмаси, ўқув методик қўлланма ва бошқа турларга ажратилади. Маълумотномалар эса энциклопедия, луғат, календарь, йўл кўрсаткичлар кабиларга бўлинади.

Китоб ўқиш маданияти

Кўпчилик юкоридаги сарлавҳадан ажабланиши мумкин. Наҳотки, “Китоб ўқиш маданияти” бўлса?! Ҳа бор!

Шуни алоҳида таъкидлаш керак-ки, Китоб ўқиш маданияти жуда кенг тушунча ва мураккаб муаммо бўлиб, тахминан қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

1. Китоб танлаб олиш;
2. Китобни қандай ўқишни билиш;
3. Китоб ўқиганда нималарга эътибор бериш ва нималарни эсда сақлаб қолиш;
4. Керакли маълумотларни қаердан, қандай, қайси воситалардан фойдаланиб топиш;
5. Олинган билимни ёки хабарни қандай етказиб бериш;
6. Қайта ўқиш-китобхонлик кўникмасини шакллантириш;
7. Кутубхона картотекалари билан ишлай билиш;
8. Китобни тез ва секин ўқишни фарқлай олиш;
9. Китобни ўқиб, унинг фусункор оламига кира билиш;
10. Китобни мустақил ўқий билиш.

Шу ўринда XX аср дунё адабиётининг машҳур адибларидан “Чўл бўриси”, “Наргис ва сўзамол” каби асарлари билан ном чиқарган Герман Гессенинг, жаҳон адабиётшунослари томонидан юксак баҳоланган “Китоблар сеҳри” асаридан парча келтирамиз.

“Кўпчилик китоб ўқишни билмайди ва кўп кишилар нима учун ўқиётганини тузукроқ англамайди. Баъзилар буни ўқимшили бўлишининг қийин, бироқ ягона йўли деб билади. Улар учун ҳар қандай ўқиш кишини “ўқимшили” қилади. Бошқа бировлар учун ўқиш – бу дам олиш, шунчаки вақтни ўтказиш ва уларга нимани ўқиш барибир (романми, ҳикоями, шеър, хабар ва ҳоказо) зерикарли бўлмаса бўлгани.

Шунчаки дам олиш, вақтни ўтказишни истаган китобхон китобда кўнгилни покловчи, руҳий юксалтирувчи номаълум бир кучни сезади. Бироқ, бу кучни аниқ тасаввур этмайди ва баҳолай олмайди. Улар тиббиётдан мутлақо беҳабар хасталарга ўхшайди, яъни айнан қайси дори керак эканлигини тушунмай ҳар бир қутидагидан татиб кўра бошлайди. Аслида, ўқиш борасида

ҳам ҳар бир киши ўзи учун зарур бўлган, янги куч ва руҳий таъсир берадиган китобларни танлай олиши керак.

Биз каби муаллифларга кишиларнинг кўп ўқиши албатта, ёқимли ва айнан ижодкор томонидан ҳаддан ташқари кўп ўқишиади дейиши ноўрин. Аммо мингта лоқайд китобхондан ўнта саводли китобхон дуруст. Китоблар инсонни ҳаётга йўллаганда, унга хизмат этганда бирор фойдаси бўлади. Агар китобхонга оз бўлса ҳам куч-гайрат, шижоат, руҳий поклик баҳи этмаса ўқиши учун сарф этилган ҳар соат беҳуда, кераксиз бўлиб чиқади.

Шунчаки ўқиши – бу диққатни тўплашга мажбур этувчи машғулот ва овуниши учунгина ўқиши ўз-ўзини алдайдир. Лоқайд кишилар учун умуман бирон нарсадан овунишининг ҳожати йўқ. Аксинча, улар ҳамма жойда диққат эътиборли бўлиши, қаерда бўлмасинлар, нима ҳақида фикр юритмасинлар бутун вужуди ила воқеалар гирдобини ҳис этмоғи зарур. Мутолаадан янги куч-гайрат олиши учун олдинга куч сарф этмоқ, ўзингни янада яхши тушуномқ учун аввалига ўзингни “йўқотмоқ” керак бўлади.

Агар ҳар бир ўқилган китоб қувонч ва алам, шижоат ва руҳий тазарру келтирмаса жаҳон адабиёти тарихини билишдан маъно йўқ. Мулоҳаза қилмасдан ўқиши – хушманзара табиат қўйнида кўзни боғлаб юришига ўхшайди. Биз ўзимизни ва турмушимизни унутуши учун эмас, ҳаёт жилавини янада онгли равишда англаш учун ўқишимиз керак.

Ҳар бир китобхонга қанақа китоб ўқиши ва сотиб олиши борасида мустаҳкам маслаҳат, қондани кўрсатиб бўлмайди. Бу ишда ҳар бир киши ўз дид ва билимига суянмоғи даркор. Бир неча бор кўпчилик кишилар шахсий кутубхона учун энг зўр 1000 ёки 100 китоб рўйхатини тузишига уринишган ва бундан маъно чиқмайди. Аслида китобхон иккинчи бор мутолаада ҳам яхши таассурот қолдирган китобни албатта сотиб олгани тузук, гарчи у қимматроқ турса ҳам.

Юзта энг яхши китоб ёки муаллиф бўлмайди. Энг тўғри, энг аниқ ва умуман инкор этиб бўлмайдиган танқид ҳам йўқ. Кимда ким умум томонидан қабул қилинган қоида ва қолипли фикр-

ларга эмас, ўзининг нозик дид ва юрак амрига қулоқ тутсагина китобларнинг сеҳрли оламини кашф этишига мушарраф бўлади”.

Шундай қилиб, китоб инсоннинг яқин дўсти ва доимий йўлдоши бўлиб, унинг ақлий тараққиёти ва маънавий камолоти-га ёрдам беради. Китобсиз яшаш мумкин эмас, чунки ҳар қандай киши фақат китоб орқалигина инсоният тарихи ва ўтмиши ҳақида аниқ тушунчага эга бўлади. Китоб киши онгини бойи-тади, унинг табиат ва жамиятда юз бераётган ўзгаришларни билиб олишига имкон беради. Энг муҳими, китоб кишини тўғри яшаш ва ҳаётда ўзига мос ўрин танлаб олишга ўргатувчи дарс-лик ҳамда инсон учун энг беминнат дўстдир. Чунки ундан исталган вақтда фойдаланишимиз мумкин. Бинобарин, китоблар сизга ҳеч қандай шарт кўймайди. Шу боисдан ҳам китоб ўтмиш-ни ҳам, бугун ва эртани ҳам боғлаб турувчи кучли воситадир.

Донолар китоб ҳақида

Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

А.Темур

Китоблар инсоният фикри дурдоналарини тўплаб, авлод-ларга етказди.

Ойбек

Китобдаги қувонч ва изтиробларни ўқувчи ўзиники деб қабул қилсагина, ўша ҳақиқий асардир.

Ўткир Ҳошимов

Китоблар ақл фарзандларидир.

Ж.Свифт

Китобсиз уй – жонсиз танадай гап.

Цицерон

Китоблар орзу-истак туғдиради, уни ҳаётга чорлайди, кишини фикрлашга мажбур этади, муҳокамаларда мустақил бўлиш қобилиятини тарбиялайди.

С.Т.Струмилин

Китоблар қаршисида жамики нарсалар нурсиз бўлиб қолади.

А.П.Чехов

Китоб – сеҳргар. Китоб дунёни қайта қурди. Унда одамзоднинг ақли мужассам, у кишилиқ тафаккурининг устунлиги. Китобсиз олам ёввойилар оламидир.

Н.А.Морозов

Китобни қадрламоқ керак, бу тафаккур қасрига иззат-эҳтиром билан қадам қўймоқ лозим.

А.Н.Герцен

Ақлни чархлаш учун ўқиш – бадантарбиядек гап.

Ж.Аддисон

Китоблар жонсиз, аммо содиқ дўстлардир.

В.Гюго

Китоблар ғоят зўр дўстларимиздир. Уларга ҳаётнинг қийин дақиқларида ҳам ишонса бўлади. Улар ҳеч вақт хиёнат қилмайди.

А.Додэ

Нодонлар даврасида ўтиргандан кўра китобдан таскин топган афзал.

П.Буаст

Китоблар орасида ҳам худди одамлардагидек, яхши ва бемаза улфатлар даврасига тушиб қолиш мумкин.

К.Гельвеций

Китоб фикрлаш қобилиятимизни ҳаракатга келтирувчи ихчамгина қуролдир: у ақлий танбаллигимиз билан курашишимизда бизга қўмаклашувчи тафаккур қувватидир.

Э.Ғаге

Барча чоралар билан инсониятни бўлмағур, кераксиз китобларни ўқишдан қутқармоқ керак.

С.Вавилов

Китобларнинг сони эмас, унинг яхшиси фойда келтиради.

Сенека

Бир вақтлар китобларнинг тақчиллиги илмнинг ўсишига зиён етказар экан. Ҳозир эса унинг кўплиги одамни гаранг қилиб, шахсий мулоҳаза юритишинга халал беради.

Вебер

Бир марта ўқиладиган китобнинг ҳозирги куни бор, такрор-такрор ўқиладиган асарнинг келажаги бор.

А.Дюма

Китоб – бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани.

А.Мухтор

Худди ярамас ошналар сингари бўлмағур китоблар ҳам бизни йўлдан уриши мумкин.

Филдинг

Ўқинг ва ўрганинг. Жиддий китобларни ўқинг. Қолганини ҳаётнинг ўзи тушунтириб беради.

Ф.Достоевский

Модомики, ҳаёт жуда қисқа, бўш вақт эса жуда оз экан, биз уни саёз китобларни ўқишга исроф этмаслигимиз керак.

Вақт борида шоҳ асарларни ўқиб қолинг, акс ҳолда бунга улгурмайсиз.

Торо

Китоб қайси жанрда ўқилмасин ўқишли бўлиши керак. Китобнинг ўқишли бўлиши муаллифнинг китобхонга айтадиган тўла мағизли ва жуда зарур фикри бўлганини кўрсатади.

Абдулла Қаҳҳор

Ҳамма нарсани ўқийвериш ярамайди, дилда туғилган саволларга жавоб бера оладиган китобларнигина ўқиш керак.

Лев Толстой

Ҳақиқий билим орттирмоқ учун одам яхши китобларни, яъни яхши, ақли кишилар ва чинакам донишмандлар ёзган китобларни танламоғи лозим.

Ченнинг

Бобокалонларимиз китоб топишга қийналар эдилар: ҳозир эса биз китоб танлашга қийналамиз. Мутолаа учун жуда зийрак бўлмоқ керак.

Леббон

Китобни тушуниб мутолаа қилиш керак.

Абдулла Қодирий

Очганинда ҳузурланиб, ётганинда руҳан бойлигини хис этган китобгина яхши китобдир.

Олкотт

Китоб энг олис ва зимистон умр йўлларида инсонга нур бағишлаб турувчи сеҳрли чирокдир.

Упит

Саводли ҳар бир киши китоб ёрдамида ақл-заковат кошонасига кириш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлади.

Смайлс

Китоб ўқишдан кўра арзон кўнгилхушлик ва айна пайтда, узоқ давом этувчи ором бўлмаса керак.

Монтегю

- Бировлар: “Китобга оёқ босма, у жонли зот!” дейди. Ишонайми?

- Ишонинг! Китоб чиндан ҳам қаттиқ уйқудаги инсон каби нарса. Агар уни ётган жойидан қўлингга олиб, саҳифаларини очиб қарасанг, у аста уйғонади ва сен аввал эшитмаган, билмаган воқеаларни, доноликларни ўзи гапира бошлайди...

Тўлапберган Қаипбергенов

Китоблар бизнинг энг сўнгги дўстларимиздир, улар бизни алдамайди, ҳамиша ёнимизда туради ва кексайганимизда ҳам маломат қилмайди.

Фаге

Кулги бекати

Мен- шоир, амаким...

Генрих Гейне танишига шундай дебди: “Болалигимда онам шеърлар ўқиб бергани боис шоир бўлдим. Амаким Соломон эса банк соҳиби бўлиб етишди. Негаки ойиси унга фақат қароқчилар ҳақида китобларни ўқиб берарди-да”

Ажабтовур реклама

“Китоблар бўлими”га сотувчи керак. Бу ердан пардоз-андоз буюмларни харид қилишингиз мумкин.

Ёзувчи

Чукча таҳририятга янги ёзган романини кўтариб келди. Журнал ходими қўлёзмага кўз югуртириб чиқди-да, кўзойнагини қўлига олиб деди: -Анчагина бўш-ку... китоб ўқиб турасизми? Толстой? Чехов, Тургенев деган ёзувчиларнинг асарлари бор... Чукча ҳиринглаб кулди:

- Мен ўқувчи эмасман, ёзувчиман, оғайни, - деди у устомонлик қилиб.

Зарарли одат

- Мен ичиш ва чекишнинг зарари ҳақида жуда кўп ўқидим. Энди ташламоқчиман?

- Нимани, ичишними, чекишними?

- Ўқишни.

Чемпион китоб

Кеча китобсеварлар жамияти туман бўлимнинг ташаббуси билан марказдаги китоб дўконида шоир Найзоний билан учрашув бўлиб ўтди.

Китоб савдоси ходимлари Найзонийни гулдасталар билан кутиб олдилар. Дўкон мудирини Қайсаров ўз нутқларида Найзоний ёзган китобларнинг босиб ўтган йўли ҳақида батафсил гапириб берди.

- Ўртоқлар, азиз китоб савдоси ходимлари, - деди у ўз нутқида. - Бугун биз, шу топда оддий бир шоир билан эмас, рекордчи шоир билан юзма-юз келиб турибмиз. Бу биз учун шараф. Чунки, ҳурматли шоиримиз Найзоний шоирлар ичида ўзига хос рекорд қўйган чемпиондир. У кишининг ёзган китоблари биз учун ниҳоятда қадрли. Мисолларга мурожаат қиламан.

Бундан тўрт йил олдин пенсияга чиқиб кетган китоб савдоси аълочиси Қодир отанинг муборак қўллари теккан “Ашъорим” китоби ҳали ҳам пештахталаримизда ярқираб турипти. “Ашъорим” тўпламини у киши ўн бир йил кўзларининг қорасидек сақлаган эдилар. Мана шу китоб бугунги кунда йигирма беш йилдан бери дўкон жавонини бегаб турипти. Ҳурматли Найзоний, бу йил “Ашъорим” китобингиз дўконимизга келганига йигирма беш йил тўлишини юбилей қилиб нишонлаш ниятидамиз.

Дўкон аҳли бу маърузани гулдурас қарсақлар билан кутиб олди.

Учрашув охирида Найзоний янги шеърларидан ўқиб берди ва яқин орада “Ашъорим”дан ҳам зўр янги китоби чиқаётганини ғурур билан хабар қилди.

Билиб қўйган яхши

- Римда италян шоири ва олими Франческо Петрарка (1304-1374) бошига дафна дарахтининг баргларида ясалган ғалаба тожини кийгизишган. Бу – яхши китоб ёзгани учун мукофот эди. Аммо ўша пайтда матбаа бўлмаганидан шоир асарлари қўлёзма ҳолда тарқалган. Замондошлари шоирнинг иззат-икромини шу даражада жойига қўйишганки, ҳатто ақл бовар қилмайди. Кунлардан бир кун шоир саёҳатда юриб, мухлисларидан бири – заргарникида қўнади. Кейинчалик заргар шоир тунаган хонанинг деворига олтин суви юритиб чиқади.

- Дунёда ёзилган китобларнинг ҳаммаси ҳам яшайверган эмас. Китоб қанча аср яшаса, уни ёзганнинг номи ҳам шунча яшайди. Гелиоцентрик системанинг назариётчиси Коперник “Планеталарнинг қуёш теварагида айланиши” номли китобини 40 йил давомида ёзган. Китоб нашр этилиши билан биринчи нусхасини бемор муаллифга олиб келишган. Китобни ола туриб Коперник дунёдан ўтган. Шу ондан бошлаб Коперникнинг номи абадийлашди.

- Марказий Осиё ҳақлари китобни қадим-қадимдан эъзозлаганлар, ушбу ҳудуддаги дастлабки кутубхона эрамизнинг учинчи асрида Хоразмда пайдо бўлган.

- Тарихий солномаларда қайд этилишича, буюк аллома Абу Райҳон Беруний 150 та китоб ёзган. Филология фанлари доктори, шарқшунос олим У. Каримовнинг аниқлашича, ундан 70 таси астрономияга, 20 таси математикага, 12 таси география ва геодезияга, 4 таси картографияга, 3 таси об-ҳаво масалаларига, 3 таси минерологияга, 1 таси физикага, 1 таси дори-шуносликка, 15 таси тарих ва этнографияга, тўрттаси фалсафага ва 18 таси адабиётга бағишланган. Афсуски буларнинг кўпи йўқолиб кетиб, фақат 30 тача асари бизгача етиб келган.

- Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмийнинг “Алжабр ва ал-муқобала” китоби атиги 80 бетдан иборат, холос. Аммо бу китобнинг довуғи асрлар оша бутун жаҳонга таралган.

- XVIII-XIX асрларда Ўрта Осиёнинг кўпгина шаҳарларида қадим-қадимлардан давом этиб келаётган китоб бозорлари янада кучаяди. Ўрта Осиёликлар Ирбит, Астрахань, Қозон ва бошқа савдо бозорларига бориб, қўлёзма-китоблар сотганлар. Айниқса, китоб савдоси Бухоро, Самарқанд, Қарши, Тошкент каби шарқнинг маданият, савдо-сотик марказларида кенг авж олган, бу шаҳарларда алоҳида китоб сотадиган савдогар-китобфурушлар бўлиб, улардан чиройли бадиий безалган, нафис миниатюралар ишланган китобларни ҳамда турли даврлар ва шоирларга мансуб қўлёзма-китобларни сотиб олиш мумкин бўлган.

- Лондондаги биринчи халқ кутубхонасининг асосчиси С.Фенкорнинг талаби билан китоб varaқларини буклаган кишиларга нисбатан жазо чораси қўлланилган. Қонунга кўра, айбдорлар жазоланган ёки 7 йил қамоққа ҳукм қилинган.

- 1900 йилда Шарқий Хитойдаги ғорларнинг бирдан топилган буддавийликка оид матнларни ўз ичига олган “Олмос сутра” китоби қадимий босма китоб ҳисобланади.

Мазкур китоб 868 йилда – яъни Европада босма дастгоҳ яратилишидан деярли 600 йил олдин Хитойда чоп этилган. Бу – Осиёда IX асрдаёқ босма дастгоҳлар мавжуд эканлигига далолатдир.

Британия кутубхонаси ходими Сьюзан Уитфилднинг фикрича, “Олмос сутра” 868 йилнинг майида Ван Цзи исмли шахс томонидан нашр этилган. Китоб шундай технология асосида тайёрланганки, ундан бир неча нусха олиш имконияти мавжуд бўлган ва диний тарғибот мақсадида тарқатилган.

“Олмос сутра” китоби Лондондаги “Буюк ипак йўли”га бағишланган санъат кўргазмасининг энг қимматбаҳо экспонати ҳисобланади.

Энг кўп томли китоб “Француз энциклопедияси” бўлиб, у 1200 томдан иборат.

- Етти йил муқаддам олимлар инсониятнинг 2000 йиллик тарихидаги қайси бир кашфиёт-ихтиронинг энг буюги деб эътироф этиш бўйича мунозара қилдилар. Дастлаб 350 ихтиро танлаб олинди, кейин бу миқдор 150 тага туширилди. Улар орасида айрим пайғамбарлардан тортиб Ньютону Эйнштейнгача бор эди. Ниҳоят, узоқ тортишувлардан сўнг немис олими Иоганн Гуттенберг инсоният тарихидаги энг буюк олим ва унинг китоб босиш мосламаси энг зўр ихтиро, деб эътироф этилди.

Ёстиғинг тагида нима бор? (Қатралар)

- “Меҳробдан чаён”ни Луи Арагон иборасига ўхшатиб “Энг гўзал шарқона севги романи”, деб баҳолаша бўлади. Чунки Анвар ва Раъно ўртасидаги севги, ибод аталмиш шарқона пойдевор устига қурилган.

Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар”и деҳқончилик тизимидаги коммунистик режимни маънавий жиҳатдан ағдариб ташлаган.

Бундай китобларни қандай қилиб ўқимаслик мумкин.

- Китоб ёки журнални Интернет саҳифаларидан ҳам ўқиса бўлади. Аммо Интернетда китобга хос хид йўқ, саҳифаларни варақлашдек хузур йўқ. Энг асосийси, уни ёстиғинг тагига қўйиб бўлмайди.

- Илмий адабиётнинг аҳамияти бадиий адабиётникидан кам эмас. Масалан, академик Муҳаммаджон Ўрозбоевнинг “Назарий механика асослари” ва “Материаллар қаршилиги” китобларини қанчадан-қанча Отабек ва Анварлар мутолаа қилишган ва малакали муҳандис бўлиб етишишган. Илмий адабиётга эҳтиёж баланд, лекин эътибор паст.

- Талабалардан “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларидан билганларича гапириб беришларини сўрадим. Гапириб беришди. Китобларнинг чамадаги қалинлиги ва муқоваларининг рангини сўрадим. Билишмади. Кинода кўрганларини гапириб беришган экан.

- Бир танишим мени янги томи ва ертўласини кўшиб ҳисоблаганда тўрт қаватли уйи билан таништирди. Ҳовлида 3 та машина, хоналарда 6 та телевизорга кўзим тушди. Ҳаммаси хорижники. Лекин битта ҳам китоб кўрмадим.

- Яқинда Германиянинг Ҳалм деган шаҳарчасига хизмат сафарига борган бир дўстимнинг айтишича, атиги уч юз минг аҳолиси бор бу шаҳарчада ҳар қадамда китоб дўконига дуч келасиз. Яна шаҳар марказидаги уч қаватли мухташам дўконда ҳам китоб савдоси йўлга қўйилган. Унда жаҳоннинг турли тилларида чоп этилган энг ноёб нашрларни топиш мумкинлиги айниқса таҳсинга лойиқ, энг муҳими, китоб дўкони доимо гавжум, олди-сотди авжида экан.

- Реклама – савдо двигатели дейишади. Савдога нафақат сакич, пиво ёки “Ринза” дориси, балки китоб ҳам чиқарилади. Китоб ҳам маҳсулот тарзида рекламага мухтож.

- Бадиий адабиётда ўта примитивлик меъёр ёки стандарт сифатида қабул қилинмаслиги лозим.

“Китоб яхши сотилиши учун, унинг соддароқ бўлгани яхши”. Бу ҳам примитив бозор тушунчаси. У қоидага айланиб кетса ёмон бўлади.

Жиноятнинг узун йўли

Тоҳир Малик

Бўш вақт

Кейинги йилларда болаларнинг бўш вақтлари кўпроқ телевидение ва видео томошалари билан банд бўлаяпти. Ҳатто ҳазил аралаш “телебола” деган атама ҳам пайдо бўлди. Бу “телебола”лар атрофларидаги барча гўзалликларни рад эта бошлайдилар.

Францияда қизиқарли тадқиқот ўтказишибди. Уч мингта болага “телевизор яхшими ё отангми?” деган саволни бериб, қарийб икки мингтасидан “Телевизор яхши”, деган жавобни олишибди. Буни бир неча давраларда айтиб, эшитганлар юзида ташвиш кўрмадик. Деярли барча латифа эшитгандай кулимсираб қўйди. Аслида бундай хабар барчани ўйлантириб қўйиши керак. Францияда бу тадқиқотни шунчаки бекорчиликдан

Ўтказишмагандир. Тарбияга доир ишларида нималарга эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаш учун қилишгандир. Шунга яраша чоралар кўришар. Хўш, бу ҳолатнинг бизга алоқаси йўқми? Тўғри, бизда икки мингта бола “отамдан телевизор яхшироқ”, деб жавоб бермас. Агар уч мингта боладан учтаси шундай жавоб қайтарса ҳам ташвишланишимиз зарур эмасмикин? Бугун учта бола шундай деб турса, эрта-индин уларнинг сони ошмасмикин? Орадан кўп вақт ўтмай ўша Франциядаги натижа бизда ҳам қайд этилмасмикин? Бу муаммо хусусида қачон бош қотирамиз? Уч мингта боланинг ҳаммаси бир овоздан отадан кўра телевизор афзаллигини таъкид этгандами?

Ана энди шу болаларимизга четдан разм солайлик: китоб ўқиш улар учун азоб, театрда юраклари сиқилади, музейларда роҳатланмайдилар. Мусиқанинг фақат энгил турларини тинглашлари мумкин. Ёзувчилар бу “телебола”ларни бадиий адабиётга қайтариш керак, дейдилар, аммо қандай қайтаришни аниқ билмайдилар. Агар бизда ўсмирлар учун бадиий адабиёт деярли йўқлиги, болалар ёзувчиларининг ҳам ғоят камлиги инobatга олинса, бу фикрнинг амалга ошуви мушкул экани ойдин бўлади. Европа мамлакатларида болалар ва ўсмирлар адабиётига жуда жиддий аҳамият берадилар. Бизнинг болаларимиз ўқийдиган китоблар ҳам асосан таржима асарлар экани сир эмас. Болаларнинг севимли қаҳрамонлари ҳам Европа адабиётининг фарзандлари. Яхши бадиий асар миллат танламайди, чегара билмайди. Бироқ, халқнинг ўз адабий қаҳрамонлари бўлса яна яхши. Бу соҳадаги тарбиямизда битта камчилигимиз бор. Аввало кўп хонадонларда оиланинг катталари китоб ўқимайдилар. Ўзлари ўқимай туриб фарзандларини китобга жалб қила олармиканлар? Ўша ота-оналар ўйлаб кўрсинлар, фарзандлари бўш вақтларини кўча безорилари ёки беҳаё кинолар қуршовида ўтказганлари маъқулми ё фикр тарбиясини берувчи китоб билан дўстлашганлари афзалми? Донолардан бири “Китоб ўқимаган киши фикрлашдан тўхтайди”, деган экан. Кимдир бунга қарши чиқиб айтarki: “Мен умримда китоб ўқимаганман, лекин фикрлайман-ку?” Тўғри, ўқиган ҳам, ўқимаган ҳам фикрлайди. Бироқ қай

тарзда фикрлайди? Фикрнинг маъноси борми? Бу фикри билан ўзгалар орасида эътибор қозона оладими? Дуруст, ота ёки она ўқишнинг афзаллигини тушуниб етдилар. Фарзандларини ўқишга даъват эта бошладилар. Лекин бола ёши улғайгач, бу даъватга дарров бўйсунма қолмайди. Ҳатто қизиқарли китобни ҳам четга суриб қўяди. Баъзи ота-оналар мана шундай зорланишади: “Фалон сўмлик китоб олиб келдим, ўғлим бир бет ҳам ўқимади” дейди. “Ўша китобни ўзингиз ўқидингизми?” деб сўраймиз. “Бе, ўқишга вақт борми?” деган жавобни эшитамиз. Чойхонада кунда, кун ора ошхўрлик қилишга, маишатга вақт топилади. Бешик тўйларида соатлаб валақлаб ўтиришга фурсат бор, аммо фарзанднинг тарбиясига вақтимиз йўқ. Шахсий намуна деган тушунчадан узоқмиз. Бизнинг назаримизда “Мана, сенга китоб олиб келдим, ўқи”, дейиш – тарбия. Шу билан биз бурчимизни бажардик. Боламизнинг китоб ўқимаслиги эса... Худодан. Уни Худо шундай яратган...

Бир киши фарзандини донишманд хузурига олиб келиб: “Тақсир, насиҳат қилиб қўйинг, ўғлим жуда кўп хурмо ейди. Бир ўтиришда эллик хурмони кўрдим демайди. Кўп емоқлик зарар эканини тушунтиринг”, деб илтимос қилибди. Донишманд “Бир ойдан кейин келинлар” дебди. У одам яна бир ойдан кейин рўпара бўлганида, донишмад “Эй ўғил, кўп хурмо емоқлик зарарлидир”, дебди. Бу қисқа насиҳатни эшитган киши “Шу гапни бир ой олдин айтсангиз бўлмасмиди?” деб ажабланибди. Шунда донишманд: “Бир ой аввал бундай дейишга ҳаққим йўқ эди. Чунки мен ҳам хурмони яхши кўриб кўп ердим. Бир ой давомида нафсимни тийиб, озга келтирдим ва насиҳат қилмоқ ҳуқуқига етдим”, деган экан. Айтмоқчимизки, тарбиянинг барча кўринишларида, хусусан китоб ўқишга даъватда шахсий намунанинг фойдаси кўп. Тарбиянинг барча турлари каби китоб ўқишга ўргатиш ҳам болалиқдан бошланади. Европа мамлакатларидаги нашриётларда “Ойижон, ўқиб беринг”, туркумида китоблар кўп чиқарилади. Номидан кўриниб турибдики, бу китоблар мактаб ёшигача бўлган болаларга аталган. Бу ёшдаги болаларда “китобни кўрсам бошим оғрийди”, деган гаплар бўлмайди. Барчаси қизиқиш билан китобни варақлайди. Баъзилари

расмлардан завқ олади, унда нима акс этганини билишни истайди. Баъзилари китобни йиртиб завқ олади. Ота ёки онанинг китобни ўқиб бериши ёки расмлар мазмунини тушунтириши боласининг келажаги учун жуда-жуда зарурдир. Бола учун ажратилган беш ўн дақиқа вақт келажакда ойлаб-йиллаб давом этадиган қайғу-аламлар олдини олишини англаб етган ота-она нақадар бахтли!

Юқорида зикр этганимиз ота ёки она боласига атаб китоб олгани учун ҳам уларга офаринлар айтмоқ жоиз. Чунки боласига китоб олмайдиганларнинг сон-саноғи йўқ. Бозорга бориб боласига куртми, сақичми ёки бирон қимматбаҳо ўйинчоқ олишни унутмайди. Лекин китоб растаси ёнидан ўтаётганида “боламга мос китоб бормикан?” деб қайрилиб ҳам қарамайди. Ҳозир бу даъвони айтсангиз “Китоб қиммат” деб баҳона қилишади. Аввало китоб жуда арзон бўлганида ҳам аҳвол шундай эди. Қолаверса, ўзини “ота” деб, фарзанди тарбиясига масъул деб ҳисобловчи кимсанинг бир кунда чекадиган сигарети пулига ёки машинасига сарф қиладиган маблағига қанча китоб сотиб олса бўларкин.

Нашр этилган яхши китоблар ҳам чанг босиб ётади. Гап китоб ва журналларнинг қимматлигида эмас, гап ота-онанинг эътиборсизлигида.

Болалар қамоқхонасида ўтказилган сўровларимиздан маълум бўлдики, у ерга тушганларнинг қарийб тўқсон фоизи битта ҳам бадий китоб ўқимаган. Етмиш фоизи театр остонасини босиб ўтмаган. Юз фоизи рассомларнинг кўрғазмаси нима эканини билмайди. Бўш вақтдан тўғри фойдаланиш ҳақидаги фикримизни қувватлаш учун яна қандай далил керак.

Китобга бўлган меҳр-муҳаббат, жонкуярлик, эҳтиёткорлик, ундан оқилона фойдаланиш туйғуларини таркиб топтириш мақсадида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирларнинг методик ишланмаси

“Китоб-офтоб” номли викторина

(Викторина ўтказиладиган залда китоб кўرғазмасини ташкил этиши тавсия этилади)

Ўйин шarti

Қатнашувчилар: Бошловчи, 6-8 кишидан иборат 2 та гуруҳ, 4 кишидан иборат экспертлар гуруҳи (уларга кутубхоначилар, мураббийлар, ноширлар киритилиши мумкин), томошабинлар.

Ўйин 15 та савол, амалий шарт ва сардорлар беллашувидан иборат бўлади.

Ўйинда 6-8 кишидан иборат 2 та гуруҳ иштирок этади. Гуруҳ аъзолари ўзларига гуруҳ сардорини тайинлаб, ўз гуруҳларига ном танлайдилар.

Ўйин иштирокчилари алоҳида 2 та стол атрофига жойлаштирилади. Бошловчи саволни ўқийди. Гуруҳларга жавобни топиш учун 2 дақиқа вақт берилади. Жавобни топган гуруҳ ўз гуруҳининг номини айтади ва жавоб бериш ҳуқуқини қўлга киритади. 2 дақиқадан сўнг жавоблар қабул қилинмайди. Ҳар бир тўғри жавоб учун 5 балл берилади.

Агарда бир гуруҳ жавобни биринчи бўлиб айтса ва у нотўғри бўлса, иккинчи гуруҳга жавоб айтиш навбати берилади.

Ўйиннинг амалий шartiда (12) иккала гуруҳдан биттадан иштирокчи чиқади. Бошловчи уларга 2 тадан тўзиган, йиртилган китоб беради. Иштирокчилар китобларни 15 дақиқа ичида таъмирлашлари керак (таъмир учун қоғоз, қайчи, елим, скотч берилади). Ушбу шартга баҳони экспертлар гуруҳи қўяди.

Охириги 19 шартга кўра гуруҳ сардорларининг беллашуви ўтказилади. Гуруҳ сардорлари ўзлари тайёрлаб келган “Менинг ҳаётимда китобнинг ўрни” мавзусида маъруза қиладилар. Маъруза 5-7 дақиқадан ошмаслиги керак. Ушбу шартни ҳам экспертлар гуруҳи баҳолайди.

Викторина саволлари

1. ЮНЕСКО тавсиясига кўра қандай нашрни китоб дейиш қабул қилинган?

(ЮНЕСКО тавсиясига кўра, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган, табоқлаб тикилган нодаврӣй нашрни, шартли равишда, китоб дейиш қабул қилинган).

2. Китобларни тўплаш, сақлаш, ўқувчилар ўртасида ташвиқот қилиш, улардан китобхонлар фойдаланишлари учун қулай шароит яратиш ишлари билан қайси соҳа вакиллари шуғулланадилар?

(Кутубхоначилар).

3. Китоб босиш ким томонидан ихтиро қилинган?

(Китоб босиш XV асрнинг 40-йилларида Германияда Иоганн Гутенберг томонидан ихтиро қилинган).

4. Туркистонда босма усул билан китоб чиқариш қачон бошланган, Туркистондаги илк босма китоблар ҳақида нималарни биласиз?

(Туркистонда босма усули билан китоб чиқариш Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан кейин тарқалди. 1868 йили Тошкентда Туркистон ҳарбий округи штабининг босмахонаси ташкил этилди. Шу босмахонада нашр этилган рус олими ва сайёҳи Н.А.Северцовнинг “Чу ва Норин тизмалари этагидаги тоғли ўлка тўғрисида лавҳалар” (рус тилида) китоби Туркистондаги илк босма китобдир. Ўзбек тилидаги биринчи босма китоб Шоҳимардон Иброҳимовнинг 1871 йилда Хивада босилган “Календар”идир).

5. Ҳозирги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган – терига ишланган ноёб китоб ҳақида нималарни биласиз?

(Терига ишланган ноёб китоб – Мусҳафи Усмон Қуръонидир. Қуръони каримнинг бу нусхаси 644-656 йилларда халифа Усмон қўрсатмаси билан Муҳаммад (сав)нинг котиблари Зайд ибн Собит, Амир ибн ал-Оъс ва Ҳишом ибн Ҳакимлар томонидан қуфий хатида ёзилган. Мазкур қўлёзма китоб Амир Темур

томонидан Самарқандга олиб келинган. Жами 353 varaқ, ҳажми 68x53x22см).

6. Дунёга ўзининг асарлари билан машҳур бўлган Ўрта Осиёлик адиб, сиёсий арбоб, Нобель мукофоти соҳиби ким?

(Чингиз Айтматов).

7. Бестселлер китоб деганда нимани тушунаси?

(Бестселлер – (инг.-best – катта, яхшироқ, sell – сотмоқ) харидоргир китоб. Бестселлер китоб бадиий ва мазмун жиҳатидан эътиборга лойиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Кўпинча бундай китобнинг бозори чаққонлигига пухта ўйланган реклама сабабчи бўлади).

8. Куйидаги парча қайси асардан олинган. Асар муаллифи ким?

“Мен бир сайёрани биламан, у ерда юзи бўзарган, бир жаноб яшайди. У умрида бирон марта гул хидлаб кўрмаган, бирор марта юлдузларга тикилмаган. У ҳеч қачон бировни севган эмас, умрида бирон-бир юмушни ҳам бажарган эмас. У фақат бир иш билан – рақамларни бир-бирига уриштириш билан овора. Эрта-ю кеч худди сенга ўхшаб яккаш: “Мен жиддий одамман! Мен жиддий одамман!” - деб такрорлагани-такрорлаган... Аслида у одам эмас”

(Ушбу парча “Кичик шаҳзода” асаридан олинган. Асар муаллифи Антуан де Сент Экзюпери).

9. Республикамиздаги энг йирик кутубхона қайси?

(Республикамиздаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси” энг йирик кутубхона ҳисобланади).

10. Кўзи ожизлар ўқиши ва ёзиши учун мўлжалланган шрифт ҳақида нималарни биласиз?

(Кўзи ожизлар ўқиши ва ёзиши учун мўлжалланган шрифт Брайль шрифти бўлиб, у бўртма нуқталардан иборат шрифт-дир. У француз Луи Брайль томонидан яратилган. Брайль шрифтида дастлабки китоб Францияда 1837 йилда чоп этилган. Ўзбек-кирилл алифбоси ифодаланган Брайль шрифтида ўзбек ёзувчиларидан Абдулла Қодирийнинг (“Ўтган кунлар”) ва Ғафур Ғулломнинг (“Вафодор”) асарлари нашр қилинган.

11. Мемуар асар деганда қандай асар тушунилади?

(Мемуар (фр. Memoire – хотира, эсдалик), ёднома, эсдалик, реал воқеа-ҳодисалар иштирокчиси ёки гувоҳининг ўтмиши ҳақидаги хотира асари. Мемуарда бадиий асарларга хос сюжет кам ишлатилади. Аммо муаллиф тасвирий воситалардан ўрни билан фойдаланади. Шарҳ адабиётида мемуарлар яратиши қадимий анъаналарга эга. Носир Хисравнинг “Сафарнома”, Зайниддин Восифийнинг “Бақое ул вақое” (Нодир воқеалар), Бобурнинг “Бобурнома” си мемуарларнинг намуналаридир).

12. Амалий шарт.

13. Аннотация сўзига изоҳ беринг?

(Аннотация (лот. Annotatio – қайд) қисқача таъриф. Китоб, мақола, қўлёзма мундарижасини, зоявий-сиёсий йўналишини ва бошқа жиҳатларини очиқ беради. Аннотацияни китобнинг ўзиди, библиографик кўрсаткичлар ва кутубхона каталогларида учратиши мумкин. Унинг вазифаси ўқувчиларда муайян китоб, мақола, қўлёзма тўғрисида умумий тасаввур тугдириши ва уларга адабиётлар танлаида ёрдам кўрсатишидир).

14. Монографик асар деганда қандай нашр тушунилади?

(Монография (моно... ва графия) – муайян мавзу ёки муаммони, бирор олим ёки ёзувчи ҳаёти ва фаолиятини атрофлича, чуқур тадқиқ этувчи илмий асар. Монографияда ёритилган масала бўйича мавжуд адабиёт умумлаштирилади ва таҳлил этилади. Фанни ривожлантиришида ёрдам берадиган фараз ва хулосалар илгари сурилади).

15. Тошкент шаҳрида ойда 2 марта ўзбек ва рус тилларида чиқадиган, ўқувчиларни Ўзбекистон китоб бозоридаги янгиликлардан хабардор этувчи, мамлакат нашриётларида чоп этилаётган муҳим китоб ва рисоалар тўғрисидаги долзарб маълумотларни мутахассис ва китобхонларга тезкорлик билан етказадиган, илғор ноширлик фаолиятини ёритиб берадиган ахборот-маълумот газетанинг номини айтинг?

(Ушбу газетанинг номи “Китоб дунёси”).

16. Тошкентдаги очиқ китоб шаклида қурилган меҳмонхона номини айтинг?

(“Ўзбекистон” меҳмонхонаси).

17. Сардорлар беллашуви.

Давра суҳбати учун саволлар

1. Китоб ўқиш гигиенаси деганда нимани тушунасиз?
2. Китоб ўқийдиган киши билан ўқимайдиган кишининг фикрлашида тафовутлар бўладими?
3. “Китоб инсонга қанот бағишлайди” деган иборани қандай тушунасиз?
4. Пулдорлар китоб ўқимайди, китоб ўқийдиганларнинг китоб олишга пули йўқ деган фикрга қўшилмасми?
5. Ҳозирги кунда ёшларнинг китоб ўқишга қизиқшининг сустигига телевидение, FM радио каналлари, Интернет тармоғи айбдор. Ушбу фикрга қўшилмасми?

“Китоб-офтоб” номли китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган барча тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади.

1. Диққат, янги китоблар

Бу бўлимга ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларига келиб тушган турли соҳага тааллуқли янги китоблар қўйилади.

2. XX аср ўзбек адабиёти

Бу бўлимга XX асрда ижод қилган ўзбек адибларининг асарлари қўйилади.

3. Руҳият манзиллари

*Ўз вужудингга тафаккур айлагил
Ҳар не истарсен, ўзундан
истагил.*

Алишер Навоий

Бу бўлимга психологияга оид адабиётлар қўйилади.

4. Шеърят гулшани

Бу бўлимдан шоир ва шоираларнинг китоблари жой олади.

5. Кулгитерапия

*Сиқилган кишига кулги бахш этмоқ,
Бир ботмон қанддан ҳам билгил яхшироқ.
Шакардан топади маза огиз, тил,
Кулгудан топади лаззат руҳи дил.*

Абдурахмон Жомий

Ушбу бўлимга ҳажвий жанрдаги қисса, ҳикоя ва шеърӣ китоблар қўйилади.

6. Жаҳон адабиёти дурдоналари.

Бу бўлимда хориж адибларининг ўзбек тилига таржима қилинган асарлари намойиш этилади.

“Китоб – мўъжизага чорлайди” бадий-музикӣ кеча сценарийси

Тадбир қуйидаги шароитда ўтказилади: хона ёки зал шиорлар, ўқиш ва илмга чорловчи плакатлар билан безатилади. Китоб кўргазмаси ташкил этилади.

Тадбирнинг бошловчиси сўзга чиқади:

Ассалому алайкум ҳурматли меҳмонлар! Хуш келибсизлар. Мен сизларни ахборот-ресурс марказимизда кўриб турганимдан жуда мамнунман. Биласизларки, ЮНЕСКО томонидан 23 апрель “Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” куни деб белгиланган. Ушбу кун 1995 йилдан бери нишонланади. Бизнинг АРМ ҳам бугун “Китоб – мўъжизага чорлайди” номли тадбирни тайёрлаган. Унда ўқув-юртимизнинг бир гуруҳ талабалари иштирок этадилар. Уларнинг чиқишлари сизларга манзур бўлади, деб умид қиламан ва илк навбатникурс талабаларига бераман. Марҳамат.

1-талаба. Китоб – офтоб. Заминни, она табиатни офтоб иситса, одам қалбини китоб илитади, нафақат илитади, балки

ёритади, нурлантиради. Китобга энг қисқа таъриф бериш жоиз бўлса, уни маънавият қуёши деб таърифлаш ўринлидир. Яъни, қуёш бўлмаса оламнинг, табиатнинг, ҳаттоки ҳаётнинг бўлиши шубҳа остида қолади, китоб бўлмаса, маънавиятнинг ривожланиши ҳам мавҳум бир фикр бўлиб қолаверади.

Кенгроқ мушоҳада юритадиган бўлсак, миллат баркамоллиги, Ватан тараққиёти элнинг китобхонлик даражасига, яъни ўқимишлилигига боғлиқ. Истиқлолдан сўнг мустақил мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси ва бевосита эътибори туфайли соғлом авлодни тарбиялаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Меҳнат жамоаларида спорт-соғломлаштириш иншоотлари, теннис майдончалари барпо этилди. Бирок соғлом авлод деганда фақатгина жисмонан бақувват инсонигина тушуниш масалага бирёқлама ёндошиш бўлур эди. Авлод баркамоллиги унинг маънавий камолотига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Ана шуни назарда тутсак, ўшандай бинолар ёнида китоб дўконлари, кутубхоналар қад ростласа нур устига аъло нур бўлар эди.

2-галаба.

Ҳар кўнгилнинг орзуси шул эрур оби ҳаёт,
Қадрини билган кишига шубҳасиз жондир китоб.
Кўзнинг нури, дил сурури дилларнинг дармонидир,
Ҳар қоронғу дилга гўё моҳитобондир китоб.
Ҳар балодан асрагувчи энг муҳим қиммат яроғ,
Тийри ваҳшат ханжари зиллатга қалқондир китоб.
Ҳар киши ёшлиқда қилса вақтида ғайрат агар,
Тез замонда ошно бўлмоғи осондир китоб.

3-галаба. Ўқувчилар қалбида юксак маънавиятни шакллантиришда китоб ва китобхонликнинг аҳамияти беқиёсдир.

Китоб асрларни-асрларга, замонларни-замонларга, ришталарни-ришталарга уловчи восита. “Китобсиз хонадон жаҳолатга ўхшайди”, деган экан бир донишманд.

Лекин тўғри келган китобни ўқиш ҳам ярамайди. Чунки бунинг бир қатор сабаблари бор. Аввало, инсоннинг умри барча китобларни ўқишга етмайди. Бундан ташқари, дуч келган асарни

Ўқиб кетавериш кишининг савиясига, унинг дунёқарашининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

2-галаба.

Илм калити – китоб,
Гар ўқисанг бобма-боб,
Ўрганиб бор билимни,
Очар баҳри дилингни.
Сафарга чиққан чоғинг,
У энг яқин ўртоғинг.
Ошно бўлсанг китобга,
Юксаласан офтобга.

4-галаба. Инсон табиати, феъл-атвори, руҳиятига мос нарсаларга қизиқади. Кимдир тарихий китобларга қизиқса, кимдир фалсафий романларни ўқийди, кимдир саргузашт асарларни ёқтирса, яна кимдир ҳажвий асарлар ихлосманди. Яна бир бошқа одам эса шеърият шайдоси бўлади. Шунингдек, китобларнинг даврийлиги улар учун муҳимдир. Масалан, мумтоз-анъанавий, замонавий адабиёт намуналарининг ихлосмандлари ҳам ўзига яраша топилади. Одамнинг ўқиётган китобига қараб ҳам унинг мақсад ва интилишлари, феъл-атвори, кайфиятини аниқлаш мумкин. Шу маънода унга ана шу қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда китоб ўқишни тавсия қилиш мумкин.

2-галаба

*Кишилар савдоси бошимдан йироқ
Эрта-кеч бўлмишам китобга ўртоқ*

5-галаба. Биласизларми, машҳур киноактёр кунг-фу устаси Брюс Ли китоб мутолаа қилишни жудаям яхши кўрар, уларга ғояларнинг сарчашмаси деб қарар экан. Брюс Лининг кутубхонасида фалсафий китоблар ҳар қандай америкалик файласуфнинг китобларидан-да кўп бўлган. Уни кўпинча Хитой дао-монахларининг кураш жараёни акс эттирилган суратлар дунёсига ғарқ бўлиб ўтириши, оғир ўйларга чўмиб шеър ёзаётган ёки таржима қилаётганини кўриш мумкин эди.

6-галаба.

Ўқувчиларнинг китоб ўқишга бўлган ҳаваслари оиладан бошланади.

Ота-боболаримиз хонадонларида Машраб, Навоий, Бедил ва бошқа шоирларимизнинг асарларини мароқ билан ўқишган.

Фарзандлари китобхонлик давраларида иштирок этишган. Натижада уларда китоб ўқишга ҳавас уйғонган.

XIX асрнинг ўрталарида Бухоро мадрасалари фаолияти билан танишган Н.Ханиковнинг гувоҳлик беришича, мадрасанинг тўлиқ курсини ўқиб тугатиш учун толиб тахминан 137 та китоб ўқиш талаб этилган экан.

7-талаба. Билим манбаи бўлган китобни севиш ва ўқиш учун уни танлай олиш ва ўқиш маданиятини билиш керак. Китоб ўқиш маданиятига китоб харид этиш ва кутубхонани мунтазам бойитиб боришга алоҳида эътибор билан қараш, китоб сақлаш одоби, ўқиш жараёни, ўқиганни ўзига ва ҳаётга татбиқ этиш, билиш каби яна ўнлаб масалалар киради.

2-талаба.

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг бўлмай у ғамли замонда.
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат беради такрор.

8-талаба. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ёшлар ўртасида китобхонликни юксалтириш учун мана шундай ғамхўрлик зарур эди. Бу ўз вақтида чиққан қарор, эртага ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

9-талаба. Биз талабалар эса ўз навбатида кутубхоналаримизни турли жанрдаги адабиётлар билан бойитишимиз мумкин. Бунинг учун ҳар бир талаба ўз ихтиёри билан биттадан китоб олиб келиб топширса, кутубхона 20-30 дона китоб билан қўшимча равишда бойийди. Натижада 1 дона китоб олиб борган талаба яна 20-30 дона янги китоб ўқиш имкониятига эга бўлади. Бу ишга ҳомийларни ҳам жалб этиш мумкин.

Фарзандлари камолини, юрт келажагини, Ватан равнақини ўйлайдиган саховатпеша инсонларнинг бу ишда фаол иштирок этиши катта савоб деб ўйлаймиз.

10-талаба. Аммо, ҳозирги кунда ранг-баранг воқеа ва ҳодисаларга бой фильмлар, саргузаштлар ҳақида ҳикоя қилувчи

бошқа воситалар- телевизор, компьютер, Интернетнинг таъсири кучаймоқда. Одам китоб ўқимаса, диванга ётволиб кунига ўн соатлаб FM радиосини тинглайдими, ё икки-учта телесериал кўрадими бошининг гаранг бўлгани қолади.

Телевизор, радио ҳеч қачон китобнинг ўрнини боса олмайди. Ўқиш ва унинг орқасида келадиган заковат мамлакатни дунёга танитишдан ҳам зарурроқ бўлган нарсага – маърифатга йўл очади. Маърифатли, яъни маънавияти юксак ва билими теран бўлган кадрлар юртни фаровон қилади, мамлакат тараққиётини тезлаштиради. Чинакам билимни эса китоб ўқимасдан туриб эгаллаш асло мумкин эмас. Шундай экан “Ҳар доим бўлсин китоб” деймиз. *(барча талабалар ушбу хитобни баланд овозда айтадилар).*

Талабаларнинг чиқиши тугагандан сўнг навбат мусиқага берилади. *(қўшиқ ёки рақс ижро этилиши мумкин).*

Мусиқа тугагач бир неча талаба саҳнага чиқиб доноларнинг китоб ҳақидаги фикрларини айтиб беради.

Ушбу чиқиш якунлангач, бошловчи 2 ой давомида АРМга фаол қатнаган китобхонни даврага таклиф этади ва унга эсдалик совғаларини: китоблар, ўқув қуролларини тақдим этади.

Сўнгра бошловчи меҳмонларга, талабаларга ва барча томошабинларга доимо китоб билан ҳамроҳ бўлишларида яхши тилаклар билдириб, тадбирни ёпиқ деб эълон қилади.

**Ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида
ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми**

Конференция

Китоб – менинг дўстимсан.
Китоб – билим булоғи.
Китоб – ақл чироғи.
Китобдан азизроқ дўст йўқ жаҳонда.

Давра суҳбати

Китоб ўқиш ҳам санъат.
Китоб мўъжизага чорлайди.
Китоб – ақл қалъаси.
Янги китоб янги олам.

Мунозара кечаси

Интернетми ё китоб.
Нега китоб ўқимай қўйдик?
Оммабоп китоб ҳаммабопми?
Китобсиз ҳаёт жаҳолатдир.

Учрашув кечаси

Эл севган адиблар билан.
Шоир ва шоиралар билан.
Нашриёт ва китоб марказлари ходимлари билан.

Оғзаки журнал

Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас.
Китоб-маънавият мактаби.
Китоб-қалб гавҳари, кўнгил офтоби.
Китобсиз ҳаёт жаҳолатдир.

Бадий-мусиқий кеча

Китоб – офтоб.
Ҳар доим бўлсин китоб.

Адабиётлар

Аминов М. Китоб //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд Зебунисио-Конирил /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002.-Б.616-619.

Аннотация //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-жилд А-Бешбалиқ /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2000.-Б.352.

Брайл шрифти //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. Бешик-Гидрфоизика /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001.-Б.207.

Мемуар //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-жилд Конимех-Мирзокуш /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003.-Б.587.

Монография //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд Мирий-Парҳиши /Таҳрир ҳайъати: А.Абдувоҳитов, А.Азизхўжаев, М.Аминов, ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003.-Б.75.

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” Ўзбекистон Ресубликасининг 2006 й. 20 июлдаги ЎРҚ-42-сон қонуни //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.-2006.-№28-29.-Б.6-36.

Муродов М. Китоб қадри.-Т.: Ўзбекистон, 1983.-61 б.

Нигматова З. Китоб-кутубхона-интернет //Бетгерхонлик-2005: Давра суҳбати материаллари тўплами /Таҳрир кенгаши: А.Умаров, И.Мамина У.Каримов.- Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2006.-Б.124-127.

Умаров А. Мутолаа маданияти: Шахс, жамият, тараққиёт.-Т.: Фан, 2004.-194 б.

* * *

Абдуллаева Н. Китоб бебаҳо хазина: [Болада китоб мутолаасига муҳаббатни шакллантириш хусусида] //Халқ сўзи.-2005.-8 апр.

Абдулҳаким Нурбой. Маърифат нимадир? Жаҳолат надир? // Тафаккур.-2005.-№3.-Б.3-6.

Дадахўжаев С. Китобдан улуғ совға йўқ //Халқ сўзи.-2007.-7 март.

Зокирова М. Шарқ ренессанси: [Ўрта Осиё Мовароуннаҳрда раванқ топган китобат санъати ҳақида] //Маърифат.-2003.-21 июнь.

Ибрагимов Х. Китоб – офтоб [Инсоннинг комил инсон бўлиб шаклланишида китобнинг ўрни ҳақида] //Фидокор.-2006.-14 февр.

Имомқулов Ж. Китобли уй – файзли уй //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-15 сент.

Иноқов А. Брюс Ли: Муҳаббат ва эҳтирос оралиғида //Науот.-2007.-8 март.

Исомиддинов З. Кўп ўқисанг, ютасан... //Ўзбекистон матбуоти.-2004.-№5.-Б.28-29.

Каром Илҳом.Китоб – қалб гавҳари, кўнгили офтоби // Жамият.-2006.-2февр.

Китоб маркази тақдими: [“Шарқ” нашриёт-матбаа акция-дорлик компанияси қошидаги “Шарқ зиёкори” китоб дўкони ҳақида] //Моҳият.-2006.-3 февр.

Китоб ўқиш ҳам санъат [Жаҳон мутафаккирлари ижодидан Герман Гессе] /Рустам Бойтўра тарж. //Халқ сўзи.-2004.-9 окт.

Малик Тоҳир. Жиноятнинг узун йўли: Рисола // Шарқ юлдузи.-2003.-№2.-Б.33-34.

Мансурова Н. Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас: [Бугунги кунда аҳоли орасида китоб мутолаасининг камайгани хусусида] //Маърифат.-2006.-4 март.

Меликулов Ж. Импортлашаётган онг ёхуд глобаллашаётган дунё муаммолари //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-1 дек.

Меҳмонов А. Китоб – энг яхши совға //Хуррият.-2002.-4 дек.

Муталов Д. Китобнинг қадрига етайлик:[Болалар тарбиясида китобнинг ўрни ҳақида] //Қадрият.-2006.-21 янв.

Муҳаммад Носир. Аждодларимизнинг китобат санъати // Жамият.-2007.-26 янв.

Назир Ҳаким. Китобдан азизроқ дўст йўқ жаҳонда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-8 сент.

Норматов У. Китобхонлик даври ўтдимми? //Ёшлик.-2004.-№3.-Б.4-5.

Оқюлов О. Плагиаторлик учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик асослари //Ҳуқуқ.-2003.-№2.-Б.3-6.

Панжиев Ҳ. Китоб ўқийсизми?: Фикр //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-25 июнь.

Рўзиёв У. Китоб. Китоб! Китоб?! //Туркистон.-2005.-5 февр.

Сафаров М. Ҳар доим бўлсин китоб //Халқ сўзи.-2005.-27 янв.

Саъдинов Ж. Оламнинг ойнаси [Кутубхоналар, китоблар инсоният тараққиётида, жамиятда китобнинг ўрни ёшларимизнинг китоб билан боғлиқ келажаги ҳақида] //Маърифат.-2006.-15 март.

Сиддиқ Ҳабиб. Ҳаёт йўлга ўхшайди //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-17 февр.

Тошболтаев М. Ақл ақлдан қувват олади //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-21 июль.

Тошболтаев М. Ёстиғинг тагида нима бор?! //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-19 янв.

Тошев Б. Муаллифлик ҳуқуқи: қонунбузарлик ва жавобгарлик //Ҳаёт ва қонун.-2004.-№2.-Б.33-34.

Умарова Н. Қироатхонлик кечалари //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-7 февр.

Холбеков М. Тупроқ остидаги қалб малҳами //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-8 сент.

Шарафиддинов О. Китобсиз яшаб бўлмас //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1999.-24 сент.

Шарипов А. Ёзув тарихига бир назар //Миллий тикланиш.-2006.-1 нояб.

Шафиев М. Қурбонова М. Китоб – ёшлар учун тарбия мактабидир //Тарбия.-2006.-№2.-Б.2-9.

Шукрулло. Китобсиз ҳаёт жаҳолатдир //Моҳият.-2003.-21 февр.

Қаюмхўжаева Ё. Китоб – маънавият мактаби //Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари.-2004.-№3.-Б.154-156.

Қўчқор Раҳмон. Қарз берилган нур: Эссе //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-10 март.

Қўчқоров Я. Китоб бор. Китобхон етарли, аммо... [Китоб ва китобхонлик масаласи бўйича] //Халқ сўзи.-2004.-13 май.

Хусанов Н. Ким қандай китоб ўқийди //Туркистон.-2005.-20 июль.

Мундарижа

Сўз боши	3
Китоб – ақл чироғи	4
Китоб ўқиш маданияти	10
Донолар китоб хақида	12
Кулги бекати	16
Билиб қўйган яхши	18
Ёстиғинг тагида нима бор? (<i>Қатралар</i>)	20
Тоҳир Малик Жиноятнинг узун йўли	21
“Китоб-офтоб” номли викторина	25
Давра суҳбати учун саволлар	29
Китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар	29
Бадий-муסיқий кеча сценарийси	30
Ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми	35
Адабиётлар	36

Босишга рухсат этилди 2007 йил 10 май
Бичими 60x84 ¹/₁₆ наshr. т. 2,5 Адади 300 нусха.
Буюртма №

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди